



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИНВЕСТИЦИЯ ФОНДЛАРИНИНГ СОФ АКТИВЛАРИДАН САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИШ

Хамраев Қувват Искандарович

Урганч давлат университети тадқиқотчиси, PhD

Аннотация: Мақолада Ўзбекистон республикаси инвестиция фондларининг соф активларидан самарали ривожлантириш йўллари таҳлил қилинган. Шунингдек, инвестиция фонди тушунчалари бўйича келтирилган иқтисодчи олимларнинг илмий ғоя ва назарий фикрлари ҳамда миллий иқтисодиётнинг ўзига хос ривожланиши йўллари илмий асосланган. Қолаверса, Ўзбекистон республикаси инвестиция фондларининг соф активларидан самарали ривожлантириш йўллари тегишли хулосалар шакллантирилган.

Калит сўзлар: инвестиция фонди, пул маблағлари, актив, инвестор, акция, омил.

Ривожланган давлатлар амалиётига кўра, инвестиция фондлари тараққиёти молия бозорининг ривожланиши ва шу асосда мамлакат иқтисодий ўсишига сезиларли даражада таъсир кўрсатади. Сўнгги йилларда Осиё ва Тинч океанида тартибга солинувчи инвестиция фондларининг активлари дунёнинг бошқа минтақаларига нисбатан жадал суръатларда ошмоқда. 2019 йилга келиб, жаҳондаги барча тартибга солинувчи инвестиция фондларининг активлари қарийб 54,8 трлн. АҚШ долларини ташкил этган. Шундан, 52,1 фоизи Америка, 34,2 фоизи Европа давлатлари, 13,5 фоизи Осиё ва Африка давлатлари ҳиссасига тўғри келган. АҚШ 25,6 трлн. АҚШ доллари миқдоридаги активлари билан умумжаҳон тартибга солинувчи инвестиция фондлари таркибида етакчи салмоқни сақлаб қолган. Бу эса, ўз навбатида, инвестиция фондлари соф активларининг самарадорлиги ошиши ҳамда йирик капитал оқими ушбу фондлар орқали амалга ошаётганидан далолат беради.

Тараққий этган мамлакатларда инвестиция фондлари соф активлари самадорлигини оширишда ишончли бошқарувчи компанияларнинг таъсири катта ҳисобланади. Шунингдек, инвесторлар активлари ҳисобланган акциялар, облигациялар, векселлар ва хазина мажбуриятлари ҳам ишончли бошқарувчи компаниялар томонидан бошқариб келинмоқда. Бу эса, ўз навбатида, портфель инвестициялар, узоқ муддатли инвестициялар ҳамда қимматли қоғозлар билан боғлиқ бўлувчи риск аппетитини бошқаришга хизмат қилмоқда. Хусусан, инвестиция фондларининг соф активлари самарадорлигини ошириш йўллари, портфель инвестицияларни бошқаришни такомиллаштириш, инвестиция фондлари портфелининг риск аппетитини ўлчаш билан боғлиқ муаммоларни ҳал этиш бўйича илмий изланишлар олиб боришни талаб этади.



Ўзбекистонда кейинги йилларда фаол инвестиция сиёсати доирасида молия бозорининг асосини ташкил қилувчи фонд бозорини ривожлантириш, унда аҳоли пул маблағларини инвестиция қилишда мазкур бозорда воситачилик қилувчи инвестиция фондлари фаоллигини кескин оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. “Иқтисодиётни юқори суръатлар билан ривожлантириш учун фаол инвестиция сиёсатини изчил давом эттириш зарур”. Шундан келиб чиққан ҳолда инвестиция фондлари соф активларидан самарали фойдаланиш мақсадида жараёнларни моделлаштириш услубиётини такомиллаштириш, фонднинг соф активларига таъсир этувчи омилларни моделлаштириш орқали соф активлардан самарали фойдаланиш усулини ишлаб чиқиш, соф активларига таъсир этувчи омилларнинг кўп омилли эконометрик моделини тузиш ҳамда омиллар динамикасидаги ўзгаришларни баҳолашнинг кўп вариантли прогнозларини ишлаб чиқиш бўйича тадқиқотларни чуқурлаштириш мақсадга мувофиқ. Ўзбекистон Республикасида инвестиция фондлари тараққиётига янгича ёндашиш зарурлигини белгиловчи, яъни инвестиция фондлари тараққиётининг илк босқичлари ва ҳозирги босқичи ҳамда ривожланиш истиқболлари билан белгиланувчи омиллар таҳлил қилинган. Шунингдек, АҚШ, Буюк Британия, Германия, Япония, Россия ва бошқа инвестиция фондлари ривожланган давлатлар тажрибаси ўрганилган ҳамда Ўзбекистонда амалиётида фойдаланиш имкониятлари асосланган.

Иқтисодчи олимларнинг илмий ғоялари ва назарий фикрлари таҳлиliga кўра, ҳозирги кунгача айнан «инвестиция фонди» тушунчаси бўйича илмий ва иқтисодий асосланган яхлит тушунча берилмаган. Шунингдек, инвестиция фонди тушунчаси юзасидан муаллифлик ёндашуви ишлаб чиқилган.

«Инвестиция фонди» тушунчалари бўйича келтирилган иқтисодчи олимларнинг илмий ғоя ва назарий фикрлари ҳамда миллий иқтисодиётнинг ўзига хос ривожланиши ва фаолият юритишини инобатга олган ҳолда, инвестиция фонди аҳоли ёки хўжалик юритувчи субъектларнинг (инвесторларнинг) бўш пул маблағларини инвестициялаш орқали даромад (фойда) олиш мақсадида фонд бозори ва бошқа инвестиция объектларига жойлаштирувчи ихтисослашган бошқарув компаниясидир.

Инвестиция фондлари амал қилиши учун ҳуқуқий асос белгиланган тартибда ривожланган мамлакатлар сингари ўзаро рақобатлашувчи ва турли-туман фондларни яратиш шароитларини ўз ичига олиши лозим. Ўзбекистонда инвестиция фондларининг янада шиддатли ривожланишига тўсқинлик қилувчи муҳим сабаблар мавжуд: бу эса, англо-саксон йўналишини танлаш ҳисобланади. Мазкур йўналиш ёпиқ турдаги акциядорлик инвестиция фондларини ташкил этишни кўзда тутди. Ёпиқ турдаги акциядорлик инвестиция фондлари ўз акцияларини харид қилиш ҳуқуқига эга эмас. Улар акцияларининг ликвидлилиги иккиламчи бозорда тасдиқланади. Жаҳон тажрибасига кўра, очик турдаги инвестиция фондлари айнан ўз акцияларининг ликвидлилиги шартларини яратиш орқали ёпиқ турдаги фондлардан сезиларли даражада устундир.



Ўтказилган тадқиқот натижаларига асосланган ҳолда қуйидаги илмий-амалий хулосаларга келинди:

1. Сўнгги пайтларда молиявий воситачилик фаолиятида рақобат янада кескин тус олаётган бўлиб, бунда тижорат банкларининг салмоғи пасайиш тенденциясига, инвестиция фондларининг салмоғи, аксинча, ўсиш тенденциясига эга бўлаётганлиги инвестиция фондларининг молия бозори барқарорлигини ошириш, хусусий инвесторлар учун хавф-хатарни камайтириш, инвестиция маблағлари ҳажми ошишини таъминлаш, қўйилма қилувчилар даромадларини ошириш, инвестиция қўйилмаларининг янги шаклларига нисбатан талабни оширишга хизмат қилиши билан белгиланади.

2. Соф активлар, кредиторлик қарздорлик ва дебиторлик кўрсаткичларини маълумотлари тренд асосида биринчи айирмада барқарор ҳисобланади. Бундан хулоса қилиш мумкинки, мамлакатимиздаги инвестиция фондларининг соф активлари қиймати ўзгаришига мазкур фондларнинг кредиторлик қарздорлиги узок муддат тебранишига таъсир қилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. 2020 Investment Company Fact Book - p. 11 (www.icifactbook.org).
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. 24 январь 2020 йил.
3. Dickey, D. A.; Fuller, W. A. (1979). "Distribution of the Estimators for Autoregressive Time Series with a Unit Root". Journal of the American Statistical Association. 74 (366): 427–431.
4. Phillips P.C.B.; Perron, P. (1988). "Testing for a Unit Root in Time Series Regression". Biometrika. 75 (2): 335–346.
5. Инвестиция фондлари маълумотлари.